

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

ARXEOLOGIYA VA BUXORO TARIXI KAFEDRASI

BUXORO TARIXI MASALALARI
(eng qadimgi zamonlardan hozirgacha)

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

M A T E R I A L L A R I

2025-yil 5-dekabr

Buxoro – 2025

Ilmiy-amaliy anjuman Buxoro tarixi, manbashunosligi, tarixshunosligi, arxeologiyasi, etnografiyasi, numizmatikasi, shaharsozligi, madaniyat va san'ati sohalarida amalga oshirilayotgan eng yangi ilmiy natijalarni ilmiy jamoatchilikka yetkazish, fan va ta'limning uzviy bog'liqligini kuchaytirish maqsadida Buxoro davlat universitetida 2025-yil 5-dekabr kuni **“BUXORO TARIXI MASALALARI” (ENG QADIMGI ZAMONLARDAN HOZIRGACHA)** mavzusidagi Xalqaro miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida o'tkazildi.

Ushbu ilmiy to'plam keng ilmiy jamoatchilik, Buxoro tarixi bilan qiziquvchilar, tarixchilar, magistrantlar va talaba yoshlarga mo'ljallangan

Mas'ul muharrir:

K.J.Rahmonov, BuxDU dotsenti, pedagogika fanlari doktori

Tahrir hay'ati va a'zolari:

O.X.Xamidov - Buxoro davlat universiteti rektori, i.f.d., professor
K.A.Samiyev - ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor, f-m.f.d., professor
B.B.Namozov - Tarix v yuridik fakulteti dekani, f.f.d., professor
J.Sh.Haitov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası mudiri, t.f.d. (DSc)
Sh.A.Xaitov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d.
H.H.To'rayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d.
A.T.Ochilov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d. (DSc)
F.U.Temirov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.d. (DSc)
A.H.Ahmadov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, f.f.d. (DSc)
M.I.Niyazova - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.n.
M.B.Qurbonova - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.n.
A.H.Boltayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
B.B.Boltayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
SH.O'.Nosirov – Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi

To'plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

Haitov J.Sh. – Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası mudiri

Nosirov Sh.O'– Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi

Konferensiya O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 27 dekabrda 490-son buyrug'i bilan tasdiqlangan 2025-yilda xalqaro va respublika miqyosida o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasiga muvofiq o'tkazilmoqda.

Ilmiy-amaliy anjuman materiallarida yoritilgan tarixiy jarayonlar, ma'lumotlar, chiqarilgan xulosalar, manba va adabiyotlar uchun mualliflarning o'zlari mas'ul va javobgardir.

XX АСРДА БУХОРО ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ВА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИ

Нафиса Закировна Ҳаётова
т.ф.ф.д.(PhD),
Бухоро давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада совет даврида Бухоро шаҳрида транспорт инфразуилмаси ва йўлсозлик ривожланиши таҳлил қилинган. Манбаларга таянган ҳолда автобус ва енгил автомашини-такси хизматларини шаклланиши, транспорт воситалари паркининг босқичма-босқич кенгайиши ҳамда йўлларни асфальтлаш жараёнлари ёритилади. Мақолада мазкур инфратузилмавий ўзгаришларнинг шаҳар ижтимоий ҳаётига, аҳоли ҳаракатланиш имкониятларига ва кейинги транспорт ривожига кўрсатган таъсири ҳақида хулосалар берилади.

Калит сўзлар: урбанизация, темир йўл, Ўзавтосаноат, инфратузилма, модернизация

Бухоро шаҳар муҳитининг шаклланиши, тарихий қиёфаси ҳамда инфратузилмаси кўп асрлик тараққиёт давомида турли сиёсий-иқтисодий босимлар, ривожланиш босқичлари ва маъмурий ислохотлар таъсирида ўзгариб келган. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россиясининг 1868 йилдаги босқини Бухорода муайян янги турдаги инфратузилмавий ўзгаришларга олиб келган бўлса-да, шаҳарнинг асосий қайта қурилиши ва босқичма-босқич тизимли ўзгариши 1920 йилдан кейинги совет даврида жадал тус олди. Мазкур жараёнларда шаҳар инфратузилмасини модернизация қилиш, айниқса транспорт катновини йўлга қўйиш, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг етакчи йўналишларидан бирига айланди.

Бухоро шаҳрида урбанизация жараёнлари нафақат шаҳарнинг меъморий қиёфасини, балки унинг ички муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини ҳам тубдан ўзгартирди. Шаҳарнинг иқтисодий ривожланиши, аҳоли зичлиги ва ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиши натижасида транспорт тизими унинг барқарор фаолиятини таъминловчи энг муҳим таркибий қисмга айланди. Совет даврида Бухоро шаҳридаги транспорт катнови тизими шаҳарсозлик сиёсатининг ажралмас қисми сифатида шаклланди. Айтиш жоизки, республикада автомобиль транспорти тизими темир йўл транспортига нисбатан кечроқ ривожланди. Бунинг асосий сабаби Россия империяси ва кейинчалик Совет Иттифоқининг минтақадаги транспорт сиёсатида ташқи ташув хизматидан, асосан темир йўлдан фойдаланиш устун бўлган. Шу шароитда, маҳаллий аҳамиятга эга автомобил йўллари босқичма-босқич барпо этила бошланди. Хусусан, 1928-1932 йиллар давомида узунлиги 62 км бўлган Бухоро-Ғиждувон-Қизилтепа йўналишидаги илк автомобиль йўли қурилиб фойдаланишга топширилди¹. Бу йўл нафақат маҳаллий аҳамиятга, балки иқтисодий-стратегик аҳамиятга ҳам эга бўлган. Сабаби пахта етиштирувчи туманларини Бухоро шаҳри орқали Самарқанд билан боғлаб, хом-ашё ташиши ва маҳсулот айланмасига хизмат қилган. Мазкур йўл Ўзбекистонда қурилган илк қора қопламали (асфальт) йўллардан бири бўлиб, мамлакатда замонавий автомобиль транспорти тизими ривожланишининг бошланғич босқичини ифода этган.

1930-йилда Ўзбекистон ССРда йўл қурилиши соҳасидаги ишлар давлат миқёсида ташкилотчилик асосида йўлга қўйилиб, “Ўйўлқурилиштрест” акциядорлик жамияти ташкил этилди². Ташкилот янги йўллар барпо этиш, мавжуд йўлларни таъмирлаш, транспорт техникасини жорий этиш ва йўл қурилишидаги моддий ресурсларни тақсимлаш ишларини ҳам мувофиқлаштирган. Шунингдек, унинг таркибида 1929-йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, республикада ягона автомобиль ташкilotи- “Ўзавтосаноат

¹ Азизов Қ.Х., Содиков И.С., Ўроков А.Х., Дарабов М.С., Сайфутдинова Р.А., Холиқов А.И. Автомобиль йўлларининг ривожланиш тарихи ва алоқа йўллари. 1-китоб. Тошкент.2020.-Б. 89.

² Ўша ерда.

савдо” ҳам киритилиб, бу билан йўл қурилиши соҳаси ва автомобиль транспортини ривожлантириш иши бир тизимга бирлаштирилди.

1930-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, шаҳарнинг иқтисодий ва демографик ўсиши транспорт воситаларининг кўпайиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. Архив маълумотларига кўра, 1938-1940 йиллар оралиғида Бухоро шаҳрида автомобиль транспорти парки барқарор ўсиш тенденциясини намоён этган. 1938 йилда шаҳарда 68 та энгил автомобиль, 234 та юк ташувчи машина ва 8 та автобус мавжуд бўлган. Улар йилига тахминан 256,1 минг йўловчи ташишни таъминлаган¹. Айтиш жоизки, дастлабки автобус қатнови Бухоро шаҳрида фақат бирта йўналишда - Лаби Ҳовуз майдонидан Винзаводгача бўлган масофада амалга оширилган². Бу йўналиш тасодифан танланмаган бўлиб, Лаби Ҳовуз шаҳарнинг маъмурий ва ижтимоий маркази ҳисобланса, Винзавод ва ўша ҳудудда жойлашган “Шелькоматальная” (Ипак маҳсулотларини қайта ишловчи) фабрикаси шаҳар саноат тармоғининг илк ишлаб чиқариш нуқталаридан бири бўлган. Шу сабаб мазкур йўналишда нафақат ишчиларни иш жойига ташиш, балки шаҳарнинг иқтисодий марказини ишлаб чиқариш ҳудуди билан боғловчи муҳим транспорт артерияси вазифасини бажарган. Бу даврда автобус қатнови шаҳар аҳолиси учун янги турдаги жамоат транспорти сифатида қабул қилинган бўлиб, у замонавий транспорт тизимининг пойдеворини яратди.

1939 йилга келиб шаҳарда транспорт воситалари сони сезиларли ўсди: энгил автомобиллар сони 76 тага, юк машиналари 355 тага, автобуслар сони эса 11 тага етди. Йўловчи ташиш ҳажми ҳам ўсиб, 200,4 минг нафар аҳолини ташкил этди³. Бу кўрсаткичлар шаҳарда транспорт хизматига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганидан дарак берарди. Бир йил ўтгач, яъни 1940 йилда, Бухоро шаҳри транспорт тизими янада кенгайди. Энгил автомобиллар сони 82 та, юк автомобиллар сони 379 та, автобуслар эса 15 тага етди. Йилига ташилган йўловчилар сони 234,9 минг нафарни ташкил этган⁴. Демак, 1938 – 1940 йиллар ичида энгил автомобиллар сони 20 %дан ортиқ, автобуслар сони эса қарийб икки баробарга кўпайган. Бу ҳолат шаҳар иқтисодиётининг тикланиши ва меҳнат ҳаракатчилигининг ошиб бориши билан изоҳланади.

1939 йилларга оид архив маълумотларида Бухоро шаҳрида фақат битта йўл намлагич машина (поливочный транспорт) мавжуд бўлгани қайд этилган⁵. Бу жараён шаҳар инфратузилмасининг ҳали шаклланиш ва тизимлашиш босқичида эканлигини кўрсатади. Йўл намлагич машина ўша даврдаги транспорт тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси шаҳар кўчаларини сув билан сепиш орқали қумли ва чангли йўлларнинг ҳаракат учун яроқли ҳолатда сақланишини таъминлашдан иборат бўлган. Бу эса тўғридан-тўғри транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлиги ва йўловчи ташиш самарадорлигига таъсир этган.

Айтиш жоизки, урушдан кейинги йилларда Бухоро шаҳрида ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Айниқса, йўл ва кўприк қурилишига катта эътибор қаратилди. 1952 йил 9 январда Ўзбекистон ССР ҳукумати “Бухоро шаҳрини ободонлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни қабул қилди ҳамда бу мақсад учун 1 300 000 сўм маблағ ажратди⁶ [4]. Бир йил давомида қарор ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб борилиб, умумий майдони 120 073 м² бўлган шаҳар кўчалари таъмирланди ва асфальтланди, шу қатори кўчалар кенгайтирилди. Жумладан, Пушкин кўчаси (ҳозирда Меҳтар Анбар),

III. Эргашев кўчалари текисланиб асфальтлаштирилди ҳамда Шохрух ариғи устидан кўприк қурилиб, Лаби Ҳовуз майдонида таъмирлов ишлари олиб борилди.

¹ ЎМА. 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 796-йиғма жилд, 51-бет.

² Бухоро вилоят Автотранспорт Нурунийлар райси Садуллаев Хусайн Ҳамидович билан бўлган суҳбат асосидаги маълумот. 2025 йил.

³ ЎМА. 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 796-йиғма жилд, 51-бет.

⁴ ЎМА. 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 796-йиғма жилд, 51-бет.

⁵ ЎМА. 1619-жамғарма, 11-рўйхат, 796-йиғма жилд, 55-бет.

⁶ Красная Бухара. 12 января 1952 год.

XX аср ўрталаридан республикамизнинг кўплаб шаҳарларида такси хизмати йўлга қўйилди. Автобус қатнови фаолият кўрсатсада, шаҳарларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида муаммолар кўп бўлган. Фақатгина саноат корхоналарнинг қурилиши ва аҳоли сонининг кўпайиб бориши транспорт инфратузилмасининг ривожланишига туртки бўлган. 1970-йиллар ўрталарида Бухоро шаҳрида жами 246 та автобус, 150 та енгил автомашина-такси аҳолига хизмат кўрсатган. Шаҳарда транспорт воситалари сони йил сайин ошиб бориб, биргина 1973 йилда 30 та янги автобус ва 20 та енгил автомашина келтирилган¹. Бу ҳолат шаҳар ҳокимияти ва давлат томонидан транспорт соҳасига эътибор кучайганини кўрсатади.

Хулоса қилсак, ушбу даврда Бухоро шаҳрида транспорт тизими ривожини аҳоли эҳтиёжи ва саноатлашув билан узвий боғлиқ бўлган. Аввал мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш учун давлат томонидан транспорт воситалари парки изчил равишда кенгайтирилган. Лекин, бу жараёни бир томонлама -ижобий деб баҳолаш тўғри эмас. Совет даврида амалга оширилган инфратузилмавий лойиҳалар, жумладан транспорт ва йўлларни таъмирлаш ҳаракатлари, кўп ҳолларда мустамлакачилик манфаатларини қўзлаган ҳолда ташкил этилганини инкор этиб бўлмайди. Ўзбекистон, хусусан Бухоро каби ҳудудлар, асосан пахта етиштириш ҳамда хом-ашё базаси сифатида қаралган, шу боис инфратузилмани ривожлантириш ҳам айна иқтисодий манфаатларни таъминлашга хизмат қилган. Транспорт паркларини ташкил қилиш ва йўлларни асфальтлаштириш орқали, аввало, хом-ашёни узлуксиз етказиш, саноатга зарур маҳсулотларни ташиш ва марказ манфаатларига мос равишда ҳудудлар ўртасида логистик алоқаларни тезлаштириш мақсад қилинган.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ЖИЗНИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ПОД ВЛИЯНИЕМ СОВЕТСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XX ВЕКА)

Камола Орзиева Сайидмуродовна
Научный исследователь

Бухарский государственный университет
Кафедра археология и истории Бухары

Аннотация. В статье анализируются структурные изменения в хозяйственной жизни Бухарской области во второй половине XX века в условиях советской экономической политики. Аграрное хозяйство, основанное на хлопководстве, развитие ирригации и промышленности раскрываются на основе статистических данных и конкретных примеров. Односторонняя ориентация на хлопок, экологические проблемы и кризисные факторы рассматриваются как сложное экономическое наследие для области.

Ключевые слова: экономическая политика, хозяйственная жизнь, промышленность, сельское хозяйство, хлопок, трудовые ресурсы, производство.

Вторая половина XX века стала периодом глубинных структурных изменений в экономической жизни Советского Союза, Узбекской ССР и входящей в её состав Бухарской области. Централизованное планирование, пятилетние планы, аграрно-промышленная политика, программы по ирригации и мелиорации, а также решения по территориальному размещению промышленности существенно изменили хозяйственный облик области. Эти процессы оказали непосредственное влияние на уровень и образ жизни населения, на экономическую среду в целом и сформировали важную историческую основу для анализа современного развития Бухарской области. Системное изучение изменений в хозяйственной жизни и образе жизни населения Бухарской области позволяет глубже осмыслить исторический опыт и корректно оценить исторический контекст нынешних реформ.

¹Тоғаева А. Ўзбекистонда урбанизация жараёnlари ва шаҳар маданияти муаммолари (1950-1990 йиллар). Тошкент: "Yangi nashr". 2017.-Б.126.

MUNDARIJA

O.X. Xamidov. Buxoro: sharq svilizatsiyasining beshigi va tarixiy meros markazi	3
---	---

1-SHO‘BA. BUXORO ARXELOGIYASI, ETNOGRAFIYASI VA

TOPONIMIKASI 5

Манзила Курбонова, ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА ПАЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАР	5
Очилов Алишер Тўлис ўғли. БУХОРО ВОҲАСИНИНГ БРОНЗА ДАВРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	7
Очилов Алишер Тўлис ўғли. БУХОРО ВОҲАСИДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ (ПОЙКЕНТ МИСОЛИДА) ..	10
Elmurodova Nilufar Baxtiyor qizi. “AVSTRALIYA O‘ZBEKLAR JAMIYATI” TARIXIGA DOIR.....	11
Elmurodova Nilufar Baxtiyor qizi. BUXORIYLARNING SURIYA VA ISROILDAGI UYUSHMALARI TARIXIDAN (XX ASRNING 40-50-YILLARI).....	13
Atoyeva Dilnoza Shofiddinovna. BUXORO VOHASINING ATROF-MUHIT MUAMMOLARI TARIXIY TALQINDA.....	15
Ochilova Marjona Botir qizi, Elova Dilnoza. VARAXSHANING ARXEOLOGIK O‘RGANILISHI.....	17
Atoyeva Oyshabonu, Nosirov Sh.O‘.BUXORO SHAHRINING TARIXIY LANDSHAFTI VA UNDAGI AYRIM MUAMMOLAR	20

2-SHO‘BA. BUXORO VOHASIDA DAVLATCHILIK ASOSLARI,

SHAHARSOZLIK, MODDIY VA MA‘NAVIY MADANIYAT MASALALARI 22

Jumaeva Nilufar Axmatovna. QUYI ZARAFSHON VOHASINING XO‘JALIK AN‘ANALARI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSH LARI).....	22
Нафиса Закировна Хаётова. XX АСРДА БУХОРО ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ВА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИ	25
Камола Орзиева Сайидмуродовна. ТРАНСФОРМАЦИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ЖИЗНИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ПОД ВЛИЯНИЕМ СОВЕТСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XX ВЕКА).....	27
Fattullayev Farrux Fazliddin o‘g‘li. BUXORONING ESKI SHAHAR QISMIDAGI ME‘MORIY OBIDALAR TASNIFI.....	29
Jo‘raboyev Azizbek Axmadjon o‘g‘li. BUXORO MODDIY MADANIYATI (O‘ZBEKISTON MODDIY MADANIYATI TARIXI JURNALI ASOSIDA)	31

3-SHO‘BA. BUXORO TARIXI MANBASHUNOSLIGI VA TARIXSHUNOSLIGI 33

Ҳайтов Шадмон Аҳмадович. БУХОРО ВА ЎЗБЕКИСТОН ОСМОНИДА ҚАТНАГАН ИЛК САМАЛЁТЛАР ТАРИХИГА ДОИР (XX АСР ДАСТЛАБКИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРИ) .	33
Ҳайтов Шадмон Аҳмадович. БУХОРОДА АВТОМОБИЛ ҚАТНОВИ ТАРИХИДАН (XX АСР БОШЛАРИ).....	34
Haitov J.Sh. BXSР HUKUMATI YILLARIDA QISHLOQ XO‘JALIGI VA DEHQONCHILIK MADANIYATINING RIVOJLANI.....	36
Boltayev A‘zam Xomidovich, Ochilov Shaxzod. BUXORODA TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK SOHASI	40
Murodova Dilrabo Shomurodovna. BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVINING ZAMONAVIY FAOLIYATIDAGI RAQAMLASHTIRISH JARAYONI	42
Orziev Mahmud Zaynievich, Samadova Ruxshona Ramazon qizi. ERONDAGI 1905-1911 YILLARDA ROSSIYA-GERMANIYA ZIDDIYATLARINING KUCHAYIB BORISHI (“TURKISTON TO‘PLAMI” MATERIALLARI ASOSIDA)	44

Латипов Жасур Лазиз ўғли, Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли. ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ РОМИТАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТУРК ХОҚОНЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ	47
Naimov Ismat Nusratilloevich. СУВ ТЕЖАШНИНГ БУХОРО ТАЖРИБАСИ: ТАРИХИЙ АМАЛИЁТ ВА НАТИЖА	49
Orziyev Mahmud Zayniyevich, Hamdovov Dilmurod Bobomurod o'g'li. MO'G'ULLAR ISTILOS VA HUKUMRONLIGI DAVRIDA BUXORO VOHASIDAGI TURK-MO'G'UL QABILALARINING O'RNASHUVI XUSUSIDA	53
Бобожонова Феруза Хаятовна. БУХОРО ВИЛОЯТИДА СОВЕТ МАКТАБИ ТАРИХИ...55	55
Мубинов Мухаммадали Ақобирович. ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА АНГЛОЯЗЫЧНЫМИ ВОСТОКОВЕДАМИ (НА ОСНОВЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АНГЛОЯЗЫЧНЫХ ОРИЕНТАЛИСТОВ).....	56
Nosirov Sherzod O'ktam o'g'li. TURKISTON DAVRIY MATBUOTI BUXORO AMIRLIGI TARIXINI YORITISH MANBASII.....	58
Abdushukurov Bobomurod Faxriddin o'g'li. O'ZBEKISTONDA PEDAGOGIK KADRLAR TAYYORLASH MASALASI: BUXORO TARIXI MISOLIDA (1925-1991 YILLAR).....	60
Латипов Жасур Лазиз ўғли, Сабирова Мадина Саъдулла қизи. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ НИЗОЛАРНИНГ АҲОЛИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ	63
Irgashov Xusniddin Nuridin o'g'li, Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORO OKRUGIDA XX ASRNING 30-YILLARIDA IJTIMOIIY-IQTISODIIY HAYOT XUSUSIDA MULOHAZALAR	65
Yuldashaliyeva O'g'iloy Maxmudjon qizi, Jumayeva Shoira Berdiyarovna. AN'ANAVIIY SHARQ JAMIYATIDA AYOLLARNING MAQOMI: BUXORO AMIRLIGI MISOLIDA	70
Ikromov Nozim Ikromovich. XITOY YILNOMALARIDA TOXARISTON HAQIDAGI AYRIM MA'LUMOTLAR.....	72
To'raeva Guli Baxriddinovna, Rasulov Muhammadmurod Jasur o'g'li. "XX ASR O'RTA OSIYO TARIXIIY-ILMIY MUHITIDA L. I. REMPEL': TARJIMAI HOLI VA ASOSIIY TADQIQOT YO'NALISHLARI"	74
Abbas Eghbal Mehran, Mohammad Reza Alam. GENEALOGY OF THE NAME BUKHARA IN HISTORICAL SOURCES	78
Abdurazzoqova Yulduz Munis qizi. BUXORO XONLIGI TARIXI AKS ETGAN SAFAVIYLAR DAVRIGA OID AYRIM MANBALAR XUSUSIDA.....	80
Nizamov Asqar Baxromovich. AFG'ONISTON MATBUOTI SAHIFALARIDA BUXORO AMIRLIGU TARIXIGA OID MA'LUMOTLAR XUSUSIDA	82
Astanova Nasiba Qudratovna, Orziyev Mahmud Zayniyevich. HOFIZ TANISH BUXORIYNING "ABDULLANOMA" ASARI VA UNING BUXORO TARIXINI O'RGANISHDAGI AHAMIYATI.....	84
Jo'rayev Isomiddin Ismoilovich. 1970-80-YILLARDA BUXORODA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHNING AHVOLI XUSUSIDA	86
Xayriyev Javohirbek Oybek o'g'li. BUXURO SHAHRI GUZARLARI TIZIMI VA ULARNING NOMLANISHIDAGI TARIXIIY O'ZGARISHLAR (XX ASRNING 30-YILLARI MISOLIDA).....	88
Jurayeva Ferangiz Jamshidovna. BUXORO TARIXIGA BIR NAZAR	90
Bazarbayeva Shohsanam Muratovna. CHORVA KASALLIKLARI VA CHEGARA SIYOSATI: TURKISTON-BUXORO VETERINARIYA PUNKTLARINI TASHKIL ETISH REJALARI (XIX ASR OXIRI)	93
Teshayeva Yulduz Hakim qizi. BUXORO KIMYO MAKTAABI RIVOJIGA AYOL OLIMALARNING QO'SHGAN HISSASI	96
Shohrux Sharipov. "XIX ASRDA AFG'ONISTON VA ROSSIYA TURKISTONIDA CHEGARA SIYOSATINING SHAKLLANISHI VA GEOSIYOSIIY OMILLARI"	97